


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**



**ФАН ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИДА
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ”**

мавзусидаги

ёшларнинг Республика илмий-техникавий анжумани

ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ

Ташкент 2020

М.Т.Рахмонов, N.N. Normamatov. Quyosh elektr stansiyasiga changning ta'siri.....	203
Х.К.Асранов, Ф.Т.Адилов. Иссиқлик электр станцияларида деаэратор курилмаларининг ҳаёт циклини бошқаришни такомиллаштириш.....	204
А.О.Ахмадов, Sh.F.Rahmatillayev. O'zbekistonda shamol energiyasidan foydalanishning ilmiy va iqtisodiy asoslari.....	206

IV ШЎЪБА

МЕХАНИКА, МАШИНАСОЗЛИК, МУҲАНДИСЛИК ВА КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР, САНОАТ ЭКОЛОГИЯСИ

S.A. Qodirov, N.S.Qobilov. Ichki yonuv dvigatellari uchun bioyonilg'ilardan foydalanish	209
E.A.Boboniyozov, B.Sh.Primkulov. Kombinatsiyalashgan agregatlarning qiyosiy taxlili.	210
Б.Х.Калдыбаев, Ю.А.Аҳмеджанов. Геометрический синтез однорядного планетарного механизма с учетом допусков.....	213
К.Эркинов, Д.Т.Мирзарахметова. Ресурсосберегающая технология для увеличения урожайности масличной сои.....	215
Ш.Бозорбоев, А.Ш.Қаюмов. Изменение пластового давления по длине горизонтального ствола, вскрывшего наклонный пласт.....	217
М.Т. Saidova, F.A. Alimova. Pnevmatik apparatning uyalab ekadigan ishchi organining parametrlarini asoslash.....	219
Ж. Язданов, М. Мухамеджанов. Легкие углеводороды из природных материалов как сырье для органического синтеза.....	221
Ш.Бозорбоев, А.Ш. Қаюмов. Қаттик фазаси кам бўлган бурғилаш эритмаларининг хоссаларини ўрганиш.....	223
И.Хашимова, Н. Ш. Эшмуродова. Перспективы использования биомассы микроводорослей как источник сырья для различных отраслях промышленности.....	225
Ж.С.Юсупов, А.А.Шохакимова. Способ селективного экстракционного извлечения золота из солянокислых и царсководных растворов, полученных в ходе переработки золотосодержащих руд и промышленных концентратов.....	227
Ф.А.Усманова, Г.Т. Абдуллаева. Гетасан полифенолининг антигипоксик фаоллиги	229
Н.Б.Мухторова, Д.Мусаева. Современной эко аналитический экстракционно-фотометрический метод определения кадмия с 1-(2-пиридилазо)-2-нафталом (пан).....	231
F.A.Zikirova, N.Sh. Eshmurodova. Go'sht konservalarining sifati va ularni saqlash texnologiyasi.....	233
Д.К.Абдуллаева, Н.И.Ибрагимов. Электрик ва элетрон чиқиндиларни қайта ишлаш усуллари ва уларни амалиётда қўллаш.....	235
Д.К.Абдуллаева, Н.И.Ибрагимов. Қаттик майший чиқиндиларни саралашни турли хил тизимлари ва амалиётда қўллашда чет эл тажрибаси.....	237
Н.Ф.Рахматова, М.Мухамеджанов. Переработка природных сланцев для получения криогена.....	238
С.Т. Йўлчиева, З.А. Сманова. Экспресс методы обнаружения тяжелых металлов в растительных и пищевых системах.....	240
Ж.Н.Мирзоев, Х.Т. Сағдиев. Современные методы получение рыбьего жира.....	242
С.С.Юсупов, Ж.Ш. Иноятходжаев. Интеллектуал транспорт тизимлари хизматларида маълумотларнинг роли.....	243
Н.Т.Рахматуллаева, А.Ш.Гиясов. Избирательная экстракция роданидного комплекса железа (iii) инертными органическими растворителями и спектрофотометрическое определение его в органической фазе.....	245
Н.Т.Рахматуллаева, А.Ш. Гиясов. Селективная экстракция сурьмы (v) инертными	247

Adabiyotlar

1. Антипова Л.В. Методы исследования мяса и мясных продуктов М.2001.
2. Позняковский В.М. Экспертиза мяса и мясных продуктов. Новосибирск.: из-во Университет, 2005 - 526 с.
3. Илченко С.Г. Технология и теххимический контрол консервирование М.1974.



ЭЛЕКТРИК ВА ЭЛЕКТРОН ЧИҚИНДИЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ УСУЛЛАРИ ВА УЛАРНИ АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАШ

Кат. ўқитг. Д.К.Абдуллаева
Илм.рах. доц. Н.И.Ибрагимов ТДТУ

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни белгилаб берувчи 30 га яқин қонунлар ва 200 дан ортиқ қонуности меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Шунинг билан бир қаторда ҳозирда жамиятимизнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган экологик муаммолардан бири чиқиндилар мауаммоси бўлиб, бугунги кунда чиқиндилар атроф-муҳитни ифлослантириши натижасида атроф муҳитга, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкларига хавф туғдирмоқда. Бундай шароитда, ҳосил бўлаётган чиқиндиларни тўплаш, сақлаш, ташиш, йўқ қилиш, кўмиб ташлаш, утилизация қилиш, уларни турларга ажратиш ва қайта ишлаш масаласи устувор вазифалардан ҳисобланади.

ПФ -06/19/5863/3979 31.10.2019 й., “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон республикаси Президенти Фармони амалиётга жорий этиш буйича республикамизда экология соҳасида бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 октябрдаги 495Ғсонли “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори ва яна бир қатор қонун ҳужжатлари бу борадаги ишлар учун дастуриламал бўляпти.

Шу борада электрик ва электрон чиқиндилар (ЭЭЧ) ҳам ҳозирги кунда кўп миқдорда ҳосил бўлиб уларни қайта ишлаш энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Электрик ва электрон чиқиндилар хавфли чиқиндилар тоифасига кириб, атроф-муҳитга етарли даражада таъсир кўрсатиб оғир салбий оқибатларга олиб келиши мумкин чунки улар таркибидаги захарли моддалар кўрғошин, симоб, хром, кадмий, мишьяк каби оғир металллар ва углеводород брикмалари (хлорфтор карбонлар ёки фреонлар, полихлорланган бифениллар, поливинилхлорид, таркибида бром бўлган антипиренлар, бромли бирикмалар) сувга, тупроққа ва атмосфера ҳавосига ўтиб инсонларнинг соғлиғига катта зарар келтиради, масалан муомаладан чиққан битта компютер ичида 700 хил кимёвий моддалар бордир. Уларнинг ярмидан кўпи инсон соғлиғи учун зарарлидир.

Охириги йигирма йил ичида ЭЭЧ ҳажми мунтазам равишда ортиб бормоқда. БМТнинг ЮНЕП ташкилоти маълумотларига кўра дунё бўйича ЭЭЧ ҳажми йилига 500млн тоннани ташкил этмоқда. Яна шуни айтиб ўтиш керакки БМТнинг ЮНИДО ва ЮНЕП халқаро ташкилотлари асосан ЭЭЧни бошқариш бўйича юзага келган муаммоларни хал қилиш бўйича шуғулланыпти. Ҳозирги кунда Евроиттифоқ давлатлари бўйича 7 млн. тонна, БРИКС ташкилотига карашли давлатлар Хитой халқ республикасида бу рақам 2 млн. тонна, Хиндистон давлати бўйича йилига 600 минг тонна, Бразилия давлати бўйича 680 минг тонна, Россия Федерациясида хар йили 70 млн тоннагача ЭЭЧ йигилиб колган.Республикамизда эса 1,4 млн тонна ЭЭЧ ҳосил булган.Келтирилган статистик

маълумотлардан куришиб турибдики ЭЭЧ кайта ишлаш муаммоси хали тула -тукис хал килинмаган.

Куйида ЭЭЧлар тоифасига кирувчи чиқиндилар келтирилган:

- йирик маиший асбоблар
- майда маиший техникалар
- телекоммуникацион қурилмалар
- талаб истъеомлга доир қурилмалар
- нурланувчи (нур тарқатувчи) қурилмалар
- электрик ва электрон инструментлар
- ўйинчоқ ва спорт анжомлари
- тиббий қурилмалари
- мониторинг ва назорат асбоблари
- савдо-сотик автоматлари

Кундан-кунга Республикамизда электрик ва электрон ускуналар, асбоб ва қурилмалардан фойдаланиш даражаси ортиб бораётгани сабабли, ЭЭЧни кўплаб йиғилиб қолишига сабабчи бўлаяпти. Хисоб-китобларга кўра ўз муддатини ўтаб бўлган ЭЭЧ, барча қаттиқ маиший чиқиндиларнинг 5 фоизга яқинини ташкил этмоқда.

Юқорида кайд қилганимиздек ЭЭЧ ларнинг миқдори йилдан -йилга ортиб бормоқда.Бундай чиқиндилар хавфли чиқиндилар тоифасига киргани учун уларни кайта ишлайдиган корхоналарнинг махсус рухсатномаси булиши керак.Шунингдек ЭЭЧ ларни кайта ишлайдиган янги замонавий юқори самандорликка эга булган корхоналарни яратиш керакдир.Бунга мисол қилиб чет элдаги Франциянинг АДЕМЕ Агенствасини олсак булади. Умуман олганда ЭЭЧ ларни кайта ишлаш ва утилизация қилиш уларга нисбатан алоҳида эътибор беришликни талаб этади.

ЭЭЧ лар ҳозирги кунда электрик ва электрон асбоб ва қурилмаларни кўплаб ишлаб чиқарилганлиги сабабли уларнинг миқдори кундан кунга ошиб бормоқда. ЭЭЧ лар таркибида захарли моддаларнинг атроф-муҳитга зарар келтириши муносабати билан чет-элда эскирган ҳамда чиқиндига айланган ЭЭЧ ларнинг тўпланиб қолиши сабабли бир уларни бошқариш буйича бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Жумладан ЭЭЧ лар тўғрисидаги қонунларни ишлаб чиқиш буйича Япония давлати биринчи ўринда борапти. Евроиттифоқ, Хитой, АҚШ ваРоссия Федерацияси ҳам бу борада жуда катта ишларни олиб бораптилар, чунки ЭЭЧ лар атроф-муҳитга хавфли ва зарарли оқибатларни олиб келиши мумкин.

Хулоса қиладиган бўлсак ва юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда 2003-2010 йилларда ЭЭЧ ни бошқариш буйича ривожланган ва ривожланаётган йирик давлатлар томонидан қонун ва қонун ости меъёрий ҳужжатларини қабул қилиниши ЭЭЧ ларининг бошқа тоифадаги чиқиндиларга нисбатан хавфли эканлигини инсонлар томонидан англаб етилди.

Адабиётлар

1.S.B. Gaibnazarov, N.I. Ibragimov. Qattiq maishiy chiqindilarni utilizatsiyalash fanidan uslubiy qo'llanma. Toshkent, ToshDTU, 2019.-136 b.

2. N.I. Ibragimov, L.S. Rahimova. Qattiq maishiy chiqindilarni utilizatsiyalash. Darslik. "Fan va texnologiyalar Markazining bosmoxonasi". Toshkent, 2019.-266 b.

3. А.А. Дрейер, А.Н. Сачков, К.С. Никольский, Ю.И. Миронов, А.В. Миронов. Твердые промышленные и бытовые отходы, их свойства и переработка. 2004. с.57

